Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 февраль жума

Сотувда эркин нархда
№ 29 (2857)

## Эл саломатлиги — давлат эътиборида

***Шу йилнинг 25 январида Президентимиз имзолаган Фармон ва шу Фармон асосида қабул қилинган ҳукумат қарорида, жумладан, республика тиббиёт ходимлари олдига ҳам катта вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида қандай тадбирлар кўрилаяпти? Умуман, оилалар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида нима ишлар қилинаяпти? Худди шу саволларга жавоб топиш учун жамоатчи мухбиримиз ушбу вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Нурия ТУРЕЕВАга мурожаат қилди.***

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва кишилар саломатлигини яхшилаш республикамиз тиббий хизмати тизими диққат марказида турган масалалардан биридир, — деди Нурия опа. — Худди шу мақсадда, яъни аҳолининг кенг қатламларига тиббий хизматни яхшилаш ниятида мамлакатимиз вилоятларида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, республикадаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари фаолияти замонавий талаблар даражасига кўтарилаяпти, уларнинг моддий-техник асоси мустаҳкамланмоқда. Сўнгги қисқа давр ичида, масалан, Гулистон шаҳридаги саломатликни тиклаш марказига Финляндиянинг — «Медико-медикал» фирмасидан 2,8 миллион АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Хоразм вилоят болалар шифохонаси 112 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан мустаҳкамланди. Айниқса, қишлоқ туманларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор кўрсатилаяпти. Масалан, Нурота тумани туғруқ мажмуаси 1,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Она ва бола» маркази 107,6 миллион сўмлик, Қува туманидаги «Она ва бола» маркази 56 миллион сўмлик энг янги тиббий ускуналар билан қуроллантирилди. Шунингдек, ўтган йил давомида «Ўзтибтехника» тизими бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари учун 800 миллион сўмдан ортиқ тиббий жиҳозлар, қишлоқ врачлик пунктларини жиҳозлаш учун эса «Саломатлик-1» дастурига биноан 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий ускуналар сотиб олинди ва жойларга тарқатилди.

### Қарорни ўқиб...

Аёлларимиз соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ҳомиладор аёлларни камқонлик ва йод етишмовчилиги касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида 232249 АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар харид қилинди. Бундан ташқари, 1302214,5 АҚШ доллари ҳажмида организмда қандни камайтирувчи, 1477503,8 АҚШ доллари қийматида сил касаллигига қарши дори-дармонлар олинди. Республика туғруқ мажмуаларига ҳомила патологиясининг қорин ичи ташхиси учун 346 та монитор тақсимлаб берилди.

Аҳолига кўрсатиладиган акушерлик ва гинекология хизматини янада яхшилаш, оналар ва болалар касалликларини чуқур таҳлил қилиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш мақсадларини кўзлаб, Нукус, Қарши, Наманган ва Жиззах шаҳарларида республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг филиаллари ташкил этилди. Улар малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди. Жойлардаги бу тиббий илмий-тадқиқот шаҳобчалари энг замонавий тиббий техника билан таъминланмоқда. Жумладан, Жиззах филиали 18 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган лапараскоп, Нукус филиали 3,5 минг АҚШ долларига тенг ультратовуш ускунаси билан жиҳозланди. Барча филиалларга «Дамас» русумли енгил автомобиллари берилди.

Тиббий хизмат тизими ўз йўналиши ва имкониятларига таянган ҳолда республикада ёш оилаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Ҳозиргача 311646 та ёш оила тиббий патронаж назоратига олинди. 102 минг 390 нафар турмуш қураётган ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш бўлимлари қошидаги доимий тиббий курсларда 89125 нафар ёшлар оила ва никоҳ асослари бўйича ўқитилди.

Ҳозирги кундаги энг асосий вазифаларимиздан бири, бу — врачларнинг билим савиясини оширишдир. Шу мақсадда республикада 1867 нафар акушер-гинеколог ва педиатр, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 308 нафар шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларининг малака ошириш факультетларида ўқитилди, шунингдек, бир гуруҳ акушер-гинеколог ва педиатр шифокорлар 2002 йилнинг январь ойида хорижий мамлакатларга малака оширишга юборилди.

Президентимизнинг Фармони ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларда, айниқса, қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасалари, тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан хотин-қизларга, ёш оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш вазифалари қўйилган.

Албатта, юқорида айтганимиздек, ўтган йилларда мамлакатимиз тиббиётида амалга оширилган ишларнинг салмоғи катта. Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарорлари бошланган хайрли амалларни янада ривожлантиришга, ислоҳотларни чуқурлаштиришга, ютуқларни мустаҳкамлашга, мавжуд камчилик ва муаммоларни тезроқ бартараф этишга даъват этади.

**Муфтилло ЮСУПОВ**
**ёзиб олди.**

*Олий Мажлисда*

***Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилишида ёш болали ва ногирон боласи бор аёлларни имтиёзлар билан таъминлашга доир қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишни комиссия раиси Ш.Салимова олиб борди.***

## Қонун ижросини ким таъминлайди?

Маълум бўлишича, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аҳолига барча қулайликларга эга бўлган вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ва қатор қишлоқ врачлик пунктлари тиббий хизмати ташкил этилган. 17 ярим минг нафар хотин-қиз иш билан тўлиқ таъминланган. Вилоятда янги иш жойларини яратиш мақсадида эса иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан имтиёзли кредитлар ҳам ажратилган.

Вилоят ҳокими ўринбосари А.Маматов ахборотида кейинги ойларда вилоят ҳокимлиги томонидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам эътиборга сазовор ишлар амалга оширилганлиги айтилди. Бироқ ўзаро мулоқотларда ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар кўнгилдагидек эмаслиги ҳам айтилди. Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан қонунлар ижроси ўрганилганда, вилоят Ногиронларни тиббий реабилитация қилиш марказида ногиронларни бепул даволаш ва дори-дармон билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги аниқланган. Она ва бола скрининг марказида иситиш тармоғи ишламаслиги ҳомиладор аёллар ва туғилган чақалоқларнинг шамоллаш касалланишига сабаб бўлган.

Шу билан бирга, вилоятда санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган ва бошқа ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган аёллар сони юқорилигича қолаётганлиги таъкидланди. Хотин-қизларни ишга қабул қилиш, қулай меҳнат шароитлари яратиш ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш, уларни таътилга чиқариш ва ҳақ тўлашда Меҳнат кодекси нормаларининг бузилишига йўл қўйилган. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «8-Март» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида Меҳнат Кодекси нормаларига хилоф равишда корхона маъмуриятининг 2001 йил 3 сентябридаги буйруғига асосан 1-2 сонли тикув цехларида 68 нафар хотин-қиз вақтинчалик ҳақ тўланмайдиган таътилга корхона касаба уюшмасининг розилигисиз чиқарилган. Устига-устак, ушбу буйруқ билан бирорта ҳам ходим таништирилмаган.

Шунингдек, вилоятда Меҳнат ва Солиқ кодекслари нормаларига риоя қилмаслик ҳоллари, яъни ногирон боласи бор аёлларни мавжуд имтиёзлар билан таъминламаслик каби жиддий қонун бузилишлари ҳам аниқланган. Вилоят бўйича меҳнат қобилиятига эга бўлган хотин-қизлардан фақат 36 фоизигина иш билан таъминланган, холос. Айни пайтда, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг ўсиб бораётганлиги ташвишли ҳолдир. Бу кўрсаткич Оқдарё, Гўзалкент, Нарпай туманларида ҳатто икки баробаргача ўсган.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, мутасадди корхона ва ташкилотларга бу борада олиб борилаётган ишларни яхшилаш учун аниқ тавсиялар берилди.

Йиғилишда мазкур комиссиянинг 2002 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам тасдиқланди.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Айни пайтда «Ўзгўштсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар асосан музқаймоқ, пишлоқ-сариёғ ва сут-қатиқ дастурлари асосида иш юритмоқда. Бу борада, айниқса, «Тошкентсут» комбинати жамоасининг ўрни каттадир. Негаки, мазкур корхонанинг бир нечта цехлари Швейцариянинг янги технологиялари билан жиҳозлангач, ўнга яқин турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, бу ерда сут, қатиқ, сметана, ряжинка сингари маҳсулотлардан ташқари мева шарбатлари ҳамда шаффоф сувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

*Яқинда эса корхона мутахассислари томонидан ушбу маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш ва сақланиш муддатини тўрт ойгача етказиш масаласини ҳал этишди. Пировардида бундай турдаги маҳсулотларнинг омборларда туриб қолишига чек қўйилди. Савдо шаҳобчалари ва супермаркетлардан кўплаб миқдорда буюртмалар қабул қила бошлади.*

**СУРАТДА: Севара Каримова ўз касбидан мамнун.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган сурат.**

*Ҳамкорлик робиталари*

***Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш билан боғлиқ демократик жараён, айниқса, иккита муҳим сиёсий институт — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис бундан икки йилча олдин ана шу идоралар томонидан қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланганди. Кеча бўлиб ўтган қўшма йиғилишда асосий эътибор мазкур битимнинг субъектлар томонидан қандай ижро этилаётганига қаратилди.***

## Сиз бир ёндан...

Сўзга чиққанлар битимнинг бугунги жараёндаги ўрни ва моҳияти хусусида алоҳида тўхталдилар. Унга асосан жойларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатиш бўйича томонлар ваколатлари доирасида фаолият олиб бормоқдалар. Масалан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли қонунларга амал этилишини мониторинг қилишда Омбудсман томонининг ишчи гуруҳлари таркибига касаба уюшмалари мутахассислари ҳам жалб этилган. 40 дан ортиқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касаба уюшмалари вакиллари иштироки таъминланган. Қолаверса, Омбудсманга келаётган меҳнат соҳасига доир мурожаатлар, асосан, касаба уюшмалари мутахассислари билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари Омбудсман институти комиссияси таркибига Федерация Кенгашининг вакили ҳам киритилган. Хоразм, Андижон ва Навоий вилоятлари касаба уюшмалари кенгаши раислари эса, айни пайтда, Омбудсманнинг шу вилоятлардаги вакиллари ҳамдир. Бу ҳам томонлар ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатларидир.

Маълумотларга қараганда, Омбудсман номига жойлардан 2001 йилда 5 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Шундан 250 таси меҳнат ҳуқуқларининг бузилгани ҳақида. Йигирмадан ортиқ мурожаат ҳамкорликда ҳал қилинган. Яна 20 таси ҳақида хулосалар тайёрланиб, иш босқичма-босқич давом этмоқда.

Қўшма йиғилишда бу борадаги камчилик ва муаммолар ҳам назардан четда қолмади. Ҳолбуки, табиатан бирбирига яқин бўлган бу муҳим сиёсий институтларнинг ҳамкорлик борасидаги имкониятлари кенг ва хилма-хилдир. Лекин ана шундай имкониятлардан тўла фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Айрим минтақаларда ҳанузгача биргаликдаги ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилмаган, меҳнаткашлар манфаатлари муҳофазасининг баъзи жиҳатлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Зеро, Омбудсманнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан, касаба уюшмаларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш, халқаро тажрибаларни биргаликда ўрганиш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, иш ҳақини ўз вақтида олиш каби конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқишини таъминлаш ишларида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарур.

Йиғилишда томонларнинг 2002 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Халқаро семинар

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг (ЮСАИД) "Глобал" лойиҳаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Ҳамкор" тармоғи, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази билан ҳамкорликда "Хайрия тўғрисидаги қонунлар - нодавлат нотижорат ташкилотлари барқарор ривожланиши асоси" мавзуида семинар ташкил этди.

Тадбир қатнашчилари икки кун давомида "Хайрия фаолияти ва хайрия ташкилотлари тўғрисида" ва "Хайрия фаолияти тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларининг ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти, мақсад-вазифаларини муҳокама этади. Шунингдек, хайрия фаолияти қонунчилиги борасида тажриба алмашади, хайрия ташкилотларини очиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, молиялаш ва солиққа тортиш муаммолари юзасидан фикр-мулоҳаза юритади.

Анжуманнинг биринчи куни Олий Мажлис Қўмитаси раиси Акмал Саидов, ЮСАИДнинг Ўзбекистон ва Туркманистон бўйича "Глобал" Ривожланиш учун таълим лойиҳаси директори Брайан Блок ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ОНА ЗАМИН НАФАСИ

### ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ● «Туркистон-пресс» ● «Интернет» ●

## Мамлакатимизда



**Етти хазинанинг бири**

***● Оролбўйидаги нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Нукус давлат педагогика институтида 4,5 минг талаба 19 ихтисослик бўйича таҳсил кўрмоқда. Улар яқинда қурувчилардан ажойиб совға олишди. Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирланаётган ўқув-тарбия мажмуининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 88 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари «Оролбўйиқурилиш» акциядорлик жамияти меҳнат аҳли томонидан олиб борилмоқда. Бош лойиҳада янги ўқув корпуси, спорт зали маъмурият биносини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.***

***● Мамлакатимиз пойтахтида «Аёллар саломатлиги ва ижтимоий-экологик жараёнлар» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Халқаро «Экосан» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида ижтимоий-гигиеник ва экологик тарбияни кучайтириш, соғлом авлодни камол топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик муассасалар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирок этдилар.***

***● «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Жиззах вилоятида хайрли ишга қўл урилди. Республика фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси шаҳар, туман бўлимлари ихтиёрига биттадан «Дамас» автомобиллари ажратилди. Бундай қулайлик вилоятнинг энг узоқ қишлоқларида яшаётган кекса отахон ва онахонлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туриш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишда асқотиши шубҳасиз.***

***● Касби тумани ҳудудида жойлашган Қатағон қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, шифо маскани замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. «Насафий» ширкат хўжалиги уни қуриш ва жиҳозлаш учун 15 миллион сўм маблағ сарфлади. Айни кунда янги даволаш муассасасида 15 нафар малакали тиббиёт ходим меҳнат қилишмоқда.***

## Чет элларда

***● Афғонистон ҳукумати томонидан «Толибон» ҳаракатига мансуб бўлиши гумон қилинаётган 21 киши асирга олинган. Афғон радиоси ана шу ҳақда хабар тарқатди.***

***● Марказий разведка бошқармасига қарашли самолёт орқали берилган ракета зарбаси оқибатида «Ал-Қоида» раҳнамоларидан бири ҳалок бўлган. Бу ҳақда Америка раҳбарияти вакили хабар берди. Унинг айтишича, ракета зарбаси Афғонистоннинг жануби-шарқида яшириниб ётган экстремистик гуруҳ раҳнамоларига қарши қаратилган эди.***

***● Хитой ҳукумати ўз авиайўлларини террорчилар хуружидан ҳимоя қилиш мақсадида махсус полиция бўлинмаси ташкил қилишни режалаштирмоқда. Бўлинмага 2000 нафар полициячи жалб этилади.***

***● Македония ҳукумати НАТО тинчликпарвар контингентининг Болқондаги миссиясини яна уч ойга узайтиришни сўраш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳукумат расмий вакилининг айтишича, мамлакат Бош вазири Любко Георгиевский ана шу масала бўйича НАТОнинг қароргоҳига расмий хат йўллайди.***

***● Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро келаси ҳафтада Исроил Бош вазири Ариель Шарон ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиш учун Яқин Шарққа келишни режалаштирмоқда. Учрашувларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш масалалари муҳокама қилинади.***

***● АҚШ президенти Жорж Буш Рональд Рейган таваллудининг 91 йиллиги муносабати билан у туғилиб ўсган уйни тарихий музейга айлантириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Эслатиб ўтамиз: Рейган Американинг энг машҳур кишиларидан бўлиб, 1981-89 йилларда мамлакатга президентлик қилган эди.***



**Меҳмондўст Корея**

